



MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI
O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI
JIZZAX FILIALI



KOMPYUTER ILMLARI VA MUHANDISLIK TEXNOLOGIYALARI

XALQARO ILMIY-TEXNIK
ANJUMAN MATERIALLARI

TO'PLAMI
2-QISM



26-27-SENTABR
2025-YIL



Google
Scholar

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY
UNIVERSITETINING JIZZAX FILIALI**



**KOMPYUTER ILMLARI VA MUHANDISLIK
TEXNOLOGIYALARI**

mavzusidagi Xalqaro ilmiy-texnik anjuman materiallari to‘plami
(2025-yil 26-27-sentabr)
2-QISM

JIZZAX-2025

Kompyuter ilmlari va muhandislik texnologiyalari. Xalqaro ilmiy-texnik anjuman materiallari to'plami – Jizzax: O'zMU Jizzax filiali, 2025-yil 26-27-sentabr. 368-bet.

Xalqaro miqyosidagi ilmiy-texnik anjuman materiallarida zamonaviy kompyuter ilmlari va muhandislik texnologiyalari sohasidagi innovatsion tadqiqotlar aks etgan.

Globalashuv sharoitida davlatimizni yanada barqaror va jadal sur'atlar bilan rivojlantirish bo'yicha amalga oshirilayotgan islohotlar samarasini yaxshilash sohasidagi ilmiy-tadqiqot ishlariga alohida e'tibor qaratilgan. Zero iqtisodiyotning, ijtimoiy sohalarini qamrab olgan modernizatsiya jarayonlari, hayotning barcha sohalarini liberallashtirishni talab qilmoqda.

Ushbu ilmiy ma'ruza tezlari to'plamida mamlakatimiz va xorijlik turli yo'nalishlarda faoliyat olib borayotgan mutaxassislar, olimlar, professor-o'qituvchilar, ilmiy tadqiqot institutlari va markazlarining ilmiy xodimlari, tadqiqotchilari, magistr va talabalarning ilmiy-tadqiqot ishlari natijalari mujassamlashgan.

Mas'ul muharrirlar: DSc.prof. Turakulov O.X., t.f.n., dots. Baboyev A.M.

Tahrir hay'ati a'zolari: p.f.d.(DSc), prof. Turakulov O.X., t.f.n., dots. Baboyev A.M., t.f.f.d.(PhD), prof. Abduraxmanov R.A., p.f.f.d.(PhD) Eshankulov B.S., p.f.n., dots. Alimov N.N., p.f.f.d.(PhD), dots. Alibayev S.X., t.f.f.d.(PhD), dots. Abdumalikov A.A, p.f.f.d.(PhD) Hafizov E.A., f.f.f.d.(PhD), dots. Sindorov L.K., t.f.f.d.(PhD), dots. Nasirov B.U., b.f.f.d. (PhD) O'ralov A.I., p.f.n., dots. Aliqulov S.T., t.f.f.d.(PhD) Kuvandikov J.T., i.f.n., dots. Tsoy M.P., Sharipova S.F., Jo'rayev M.M.

Mazkur to'plamga kiritilgan ma'ruza tezislarining mazmuni, undagi statistik ma'lumotlar va me'yoriy hujjatlarning to'g'riligi hamda tanqidiy fikr-mulohazalar, keltirilgan takliflarga mualliflarning o'zlari mas'uldirlar.

language but also the hybrid nature of youth digital interaction in multilingual contexts. Such instances of code-switching show how global and local linguistic practices interact in shaping online communication styles. Overall, the discussion highlights that discourse markers serve as both universal and culture-specific tools in youth digital communication. Their comparative analysis provides valuable insights into how young people negotiate identity, manage relationships, and adapt to the dynamics of online interaction in an increasingly globalized world.

Conclusion: This study compared discourse markers in English and Uzbek youth digital communication. The findings show that while both groups use discourse markers to organize discourse, express stance, and build solidarity, the forms and frequencies differ. English youth prefer markers such as *like*, *you know*, and *well*, whereas Uzbek youth often use *ha*, *endi*, and *bilasanmi*.

Despite these differences, the functions are largely similar, reflecting universal communicative needs. At the same time, the influence of English is evident in Uzbek digital discourse through frequent borrowing (*ok*, *like*, *well*), illustrating globalization's role in shaping online interaction. Overall, discourse markers function as both universal and culture-specific tools in youth communication.

References:

1. Aijmer, K. (2002). English discourse particles: Evidence from a corpus. Amsterdam: John Benjamins.
2. Crystal, D. (2006). Language and the Internet. Cambridge: Cambridge University Press.
3. Fraser, B. (1999). What are discourse markers? *Journal of Pragmatics*, 31(7), 931–952.
4. Herring, S. C. (2007). A faceted classification scheme for computer-mediated discourse. *Language@Internet*, 4(1), 1–37.
5. Schiffrin, D. (1987). Discourse markers. Cambridge: Cambridge University Press.
6. Trillo, J. (2002). The pragmatic fossilization of discourse markers in non-native speakers of English. *Journal of Pragmatics*, 34(6), 769–784
7. Turakulov, O., Khalimov, U., Tagayev, O., & Hamdamov, F. (2024, November). Improving the process of training of competitive economists for the development of the national economy. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 3244, No. 1). AIP Publishing.

КЎҲНА ҲАСРАТНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНИ

Кирийгитова Нигора

Жиззах давлат педагогика университети тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақолада таниқли шоир Эркин Воҳидовнинг “Бу кўҳна ҳасрат” шеърининг таҳлили мисолида шоир ижодидаги фалсафий тафаккурнинг бадий ифодалаш ҳодисаси ўрганилган.

Калит сўзлар: фалсафий тафаккур, шеър таҳлили, байт, бадий талқин.

Эркин Воҳидов шеърятни ўзбек адабиётида янги босқичга олиб чиққан ижодкордир. Унинг ижоди соясида ўзбек адабиётида ҳақ гапни гўзал тарзда айтиш, чиройли ифодалаш, фалсафий тафаккурни бадийлаштириш тамойиллари кучайди. Бу ҳақда адабиётшунос олим Йўлдош Солижонов “Рухиятни ёндирган шеърят” номли мақоласида қуйидагича фикр билдирган: “У авлоднинг илк шеърлариёқ ўша пайтдаги жамиятда чуқур томир отган ёлғонга, сохталиққа, баландпарвозликка қарши исён сифатида жаранглади. Аммо бу исённи очик-ошкора баён этиш мумкин эмасди. Чунки яккаҳокимлиқни бой бериб қўйишни истамаган коммунистик мафкура заҳарли тишларини қайраб турарди. Хайриятки, шеърятда фикрни рамзий тимсоллар орқали ифодалаш, тиконни гулга ўраб “тортиқ” қилишнинг турли усуллари ва воситалари бор. 60-йиллар ижодкорлари ана шу усул ва воситалардан унумли фойдаланиб, одамлар юрагига кириб бордилар”.

Биз бу мақолада Эркин Воҳидов ижодида ўсиб-улғайган ва такомилга етган фалсафий тафаккур ва рамзий фикрлашнинг бадий жилваларини биргина “Бу кўҳна ҳасрат” номли кичик шеър орқали кўриб чиқмоқчимиз.

БУ КЎҲНА ҲАСРАТ

“Ё Раб, қандоқ кунга қолдик, бу нечук савдо?

Одамларда на шафқат бор, на меҳру вафо?

Йигитларда одоб йўқдир, қизлар ҳаёсиз,

Хотин зоти кун ўтказмас бир можаросиз.

Қўйиб берса эл бир-бирин ўяр кўзини,

Овбошилар эса фақат ўйлар ўзини...

Дунё охир, биродарлар, йўқ энди ҳаёт,

Куни кеча тамом бўлди охирги мамонт..."

Қадим аждод ўкинч билан чўкиб сояга,

Бу сўзларни чўкич билан ёзди қояга.

Ушбу шеърнинг тарихий илдизи ҳам мавжуд. Яъни, файласуф Сукрот бир куни сафардалигида қояга ўйиб ёзилган қадимий кўлёмани ўқиб қолади. Унда юқоридаги шеърда акс этган маънодаги сўзлар ёзилган эди. Шунда у шоғирдларига инсоният азалдан ёшлардан кўнгли тўлмаслиги ва замонни охир деб ўйлаши ҳақида сўзлаб беради. Назаримизда, Эркин Воҳидов бу ҳикматни ўқиган ва бу шоирга қаттиқ таъсир ўтказган кўринади. Лекин ушбу шеърда ўкинч ва пушаймонлиқни эмас, балки фарғоналик инсонларга руҳиятига мос енгил кулгу ва кинояни англаймиз. Лекин қизиғи шундаки бу киноя шеър охиригача англашилмайди.

Умуман, шеърни мисрама-мисра таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Ушбу шеър маснавий шаклида ёзилган бўлиб, уни байтма-байт таҳлил қилиш имкониятини ҳам беради:

“Ё Раб, қандоқ кунга қолдик, бу нечук савдо?

Одамларда на шафқат бор, на меҳру вафо?

Шеърнинг дастлабки икки байтида биз ёши улуг отахоннинг ҳасратини тинглагандай бўламиз. Дарҳақиқат, бу каби нолиш ва оҳ-зорларни

болалигимиздан бери эшитиб келамиз. Маҳалла-қўй, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар орасида. Энг қўпи, балки оила даврасида эштамиз, эшитганмиз. Чунки азалдан Шарқда ўзини қари ҳисоблаш улуғворлик саналган. Шунинг учун ҳам 20 асрнинг 90 йилларигача ўзбек эркаклар 50дан ошгандан кейин соқол қўйишган, аёллар катта рўмол ўрашган. Уларнинг қиёфаси ва либослари қаторида жамиятдаги маънавий вазифалари ҳам ўзгарган. Энди улар жамият томонидан ёшларга хатти-ҳаракати ва турмуш тарзи билан ибрат бўладиган, насихат берадиган, тўғри йўл кўрсатадиган авлод сифатида вазифалантирилган ва оғир-босиқ табиатга эга бўлишлари талаб этилган.

*Йигитларда одоб йўқдир, қизлар ҳаёсиз,
Хотин зоти кун ўтказмас бир можаросиз.*

Шеърнинг навбатдаги байтида бу сўзларни айтаётган киши дарҳақиқат отахон эканлиги англашилади. Чунки, одамзод пайдо бўлибдики, эркаклар аёлларнинг, аёллар эса эркакларнинг камчилигини айтиб ҳузур қилишади. Шеър қаҳрамони бўлган отахон эса “хотин зоти” билан биргаликда йигитларнинг одобсиз, қизларнинг эса ҳаёсиз бўлиб бораётганидан ёзғиради. Дарҳақиқат, ўзимиз ҳам ёшимиз улғайган сари, ўзимиздан кичикларнинг хатти-ҳаракати, гап-сўзи ёқмаса, гарчи овоз чиқариб кимгадир нолимасак ҳам, “биз бу ёшда бу қадар эмас эдик” деб ўйлаб қўйганимиз шубҳасиз.

*Қўйиб берса эл бир-бирин ўяр кўзини,
Овбоишлар эса фақат ўйлар ўзини...*

Навбатдаги байтда ижтимоий-маиший мавзудаги норозилик жамият миқёсига юқориламоқда. Одамларнинг бир-бирига шафқатсизларча муносабатда бўлиши “ўяр кўзини” ибораси орқали янада яққолроқ кўрсатиб берилаётган бўлса, раҳбарларнинг фақат ўзини ўйлашини ўқиган китобхон “дамак ҳамиша шундай бўлган экан-да” деб хулоса чиқаради. Бироқ бу ўринда ишлатилган “овбоишлар” сўзи кишини ўйлантиради. Бу нима раҳбарларнинг янги номими? Ёки қандайдир терминми? Шу ўринда шеърхонда таажжубга тушади. Бу таажжуб шеърнинг кейинги мисраларига эътибор қаратишга ундайди.

*Дунё охир, биродарлар, йўқ энди ҳаёт,
Куни кеча тамом бўлди охирги мамонт...”*

Бу қўшмисрада ҳам мамонт сўзи ўқувчини ўйлантиради. Ахир мамонтлар қирилиб кетганига қанча замонлар ўтди-ку. Эҳ-ей... ёки бу сўз “ҳаёт” сўзининг тескарисини бўлган қадимги туркий “момот”микин? Шеърхонни мисралар таажжубга солишда давом этади. Ниҳоят охирги байтда ушбу таажжубнинг ҳам ечими, шеър хулосасини берилади:

*Қадим аجدод ўкинч билан чўкиб сояга,
Бу сўзларни чўкич билан ёзди қояга.*

Бу мисра билан ҳамма нарсга аён бўлади. Ёши улуғларнинг ёшлардан нолиши, ёшларнинг бебошлиги, эрнинг аёлдан норозилиги қадимги ҳасрат эканлиги аён бўлди. Фақатгина бу эмас, қадим аждоднинг сўнгги мамонтнинг ҳалокатини кўргандаги тушқунлиги, дунёнинг охир бўлишига ишониши, унинг изтироб билан сояга чўккандаги қиёфаси, атрофидаги ҳали хароб бўлиб улгурмаган кўм-кўк табиат, хатто қушларнинг чуғури, йиртқичлар наъраси ва сувларнинг жилдиригача китобхон хотирасида намоён бўлди. Худди у бу

лавҳани яқин орада қаердадир кўргандай ҳис қилади ўзини. Мана бу инсон тафаккурининг кечмиш билан бугун орасидаги тафовутни кўз юма олиши. Дарҳақиқат, инсон тафаккури замон ва маконни фарқ этмайди. Мана бу умуинсоний муаммонинг янгича талқинидир. Яъни бу ижтимоий-маънавий муаммо ҳамиша долзарб. Лекин орадан неча минг йиллар ўтди. Қанча ҳайвон зоти мамонт каби йўқликка кетди, бироқ замон охир бўлишидан ҳали-ҳамон дарак йўқ. Демак бу кўркув ортиқчами? Бу хавотир беҳудами? Юқорида айтилганидак, енгилгина киноя, юмор билан бойитилган шеър китобхонни кўп ўйлашга, тафаккур қилишга чорлайди. Зеро, шоирнинг ўзи айтганидек “Шеърятнинг мавзулари, оҳанглари, ифода услублари ҳар даврда ўзига хос бўлади. Лекин бир нарса ҳамиша устувор: шеърят инсон қалбининг ҳолати эканлиги, унинг қувончи, муҳаббати, нафрати, соғинчи ифодаси экани – адабий”. Шунинг учун ҳам шоирнинг фалсафий тафаккурининг меваси бўлган яхши шеър замон ва макон билмай яшайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Воҳидов Э. Шоиру, шеър, шуур. Тошкент: Ёш гвардия, 1987
2. Воҳидов Эркин. Умрим дарёси. Сайланма. 3-жилд. Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 92.
3. Солижонов Й. Рухиятни ёндирган шеърят. <https://adabiyot.islamonline.uz/adabiyotshunoslik/sheriyat/1281-maqola.html>

AHOLI ORASIDA OMMAVIY SPORT TADBIRLARINING IJTIMOY Ahamiyati

Nazarov Sherzod Tursun o‘g‘li

O‘zbekiston Milliy universiteti Jizzax filiali

Annotatsiya: Mazkur maqolada aholining sog‘lom turmush tarzini shakllantirishda ommaviy sport tadbirlarining ijtimoiy ahamiyati tahlil qilinadi. Tadqiqotda nazariy tahlil, sotsiologik so‘rovnoma, kuzatuv va statistik tahlil metodlaridan foydalanildi. Olingan natijalar aholining keng qismi ommaviy sport tadbirlarini sog‘liqni mustahkamlash, bo‘sh vaqtni mazmunli o‘tkazish, yoshlarni zararli odatlardan chalg‘itish va ijtimoiy birdamlikni oshirishda muhim vosita sifatida baholashini ko‘rsatdi. Ommaviy sportning ijtimoiy ta’siri nafaqat sog‘lom avlodni tarbiyalash, balki jamiyatda totuvlik va barqarorlikni mustahkamlashda ham muhim omil ekanligi asoslab berildi.

Kalit so‘zlar: Jismoniy madaniyat, ommaviy sport, sog‘lom turmush tarzi, ijtimoiy faollik, sog‘liqni mustahkamlash, yoshlar tarbiyasi, sport tadbirlari.

Kirish

Bugungi kunda jismoniy madaniyat va sportni ommalashtirish, aholining keng qatlamlarini sog‘lom turmush tarziga jalb qilish masalasi davlat siyosati darajasiga ko‘tarilgan. Ommaviy sport tadbirlari insonlarning sog‘lig‘ini mustahkamlash, bo‘sh